# ТОШКЕНТ КОМСОМОЛИ

Комсомол-ёшлар саҳифаси



- УЛАРДАН НАМУНА ОЛИНГ
- ПЕШҚАДАМ БРИГАДА
- САЙЛОВОЛДИ ТАРАДДУДИ
- КОМСОМОЛ ЕТАКЧИСИ


● ТЕНГДОШЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

## ДЕПУТАТ

Муҳаббат Шомуротова Ўрта Осиё медицина-педиатрия институтининг 5-курсида ўқийди. У барча тенгдошлари қатори ўрта мактабни битириб, институтга кирган, болаларни даволаш касбига қизиққан.

1982 йил июнь ойида 3-курсда ўқиб юрган чоғида уни халқ депутатлари Киров район Советига депутат қилиб сайлашди. Муҳаббат топширилган ишга доимо сидқидилдан ёндошади. У группа старостасидир. Шунинг учун ҳам доимо студентлар ташвиши билан яшайди. Факультет ва институт жамоат ишларида актив қатнашади.

— Депутат бўлганингдан кейин масъулият янада ошаркан, дейди у. — Негаки, кўпгина масалаларни ҳал этишга тўғри келади.

Муҳаббат меҳнаткашлардан тушган шикоятларни текшириб, уйма-уй юрган кунлар ҳам бўлди. Шикоят дафтарига ёзилган сўзлар билан жойлардаги аҳвол бир-бирига мос тушадими ёки йўқми — ана шуларни текширди. Бир марта 10-ЖЭКка ана шу ҳақда хабар қилди. Тегишли чоралар кўрилди.

М. Шомуротова Киров район Советининг ёшлар иши бўйича доимий комиссияси фаолиятида актив қатнашяпти. Бу ерда у студентлар учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар, район ёшларининг оммавий-спорт ишлари, дам олиш ишларини ташкил этиш масалаларини муҳокама қилишда қатнашмоқда.

— Шаҳарда ва районда бўлиб ўтаётган ҳар бир воқеа бизни ғоятда қизиқтиради. Кишиларга қўлимдан келганча ёрдам берсам, ўзимни бахтиёр сезаман, — дейди у.

Ҳа, депутатлик фаолияти Муҳаббатга кўп нарсалар берди. Энг аввало у кишиларга, уларнинг эҳтиёжига эътибор билан қарашни ўрганди. У ҳамиша ёрдам беришга шай туради.

Ҳар бир депутатда бўлганидек Муҳаббатда ҳам сайловчилар берган наказлар анчагина бор. Масалан, «ТашГРЭС» микрорайонидаги транспорт ҳалқасида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш масаласида сайловчилар унга мурожаат этишган эди. У дарҳол район Советининг транспорт ва алоқа доимий комиссиясига мурожаат қилди, у ердан эса давлат автомобиль инспекциясига хат йўллашди. Муҳаббат доимо ана шундай оперативлик билан иш кўради.

У ўзи амалга оширган ишларни сарҳисоб қилишга, депутатлик бурчини қандай бажараётганини ўйлаб кўришга одатланган. Агар биронта наказни кўнгилдагидек бажара олмаса, тинчини йўқотади. Бунинг сабабларини ўзича излайди. Аммо шу нарсани аниқ биладики, коллектив ишларига ҳеч қачон бефарқ қарамайди. У жамоат ишларини қиладими, ўқишдами, хуллас қандай ишни амалга оширмасин, ўзида доимо катта масъулиятни ҳис этади. Унинг ана шу фазилатлари учун ҳам район Советига депутат қилиб сайлашган.

**В. БОЗОРОВА,**
**«Педиатр» газетасининг редактори.**




## СТУДЕНТЛАР ОВОЗ БЕРИШАДИ

СССР Олий Советига сайловларга В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети профессор-ўқитувчилар состави ва студентлари қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Студентлар шаҳарчасида жойлашган энг яхши агитпунктлардан бири 117-Тошкент-Октябрь сайлов округининг 63/63-сайлов участкаси агитпункти ҳисобланади. Бу ерда иш олиб бораётган кишилар ўзларига берилган топшириқни тўла англаган ҳолда масъулият ҳисси билан иш олиб бормоқдалар. Бу сайлов округи бўйича Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Иномжон Бузрукович Усмонхўжаев депутатликка номзод қилиб рўйхатга олинган.

Шарқ факультети араб филологияси кафедрасининг ўқитувчиси Т. Тожиддинов агитпункт мудиридир. Бу ерда ишлар яхши ташкил этилган. Агитпунктда ҳамиша кишилар гавжум. У Тошкент политехника институтининг 10, 11, 15, 16, 23 ва 27-ётоқхоналарида, Тошкент Давлат университетининг, шунингдек, физкультура институтининг ётоқхоналарида истиқомат қилаётган сайловчиларга хизмат кўрсатмоқда. Ҳамма ётоқхоналарда лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда. ТошПИнинг 10, 11 ва 27-ётоқхоналарида, ТошДУнинг 87-ётоқхонасида бундай суҳбатлар ғоятда қизиқарли ўтди.

Ҳар бир студентлар ётоқхонасида ёш сайловчилар клуби ишлаб турибди. Уларга агитпункт агитаторлари бошчилик қилмоқдалар. Одатда оқшом тушиши билан ёш сайловчилар клубларида агитаторлардан — шарқ факультетининг катта ўқитувчиси Н. Хохлов, роман-герман филологияси факультетининг ўқитувчилари Д. Асророва, О. Дудура, география факультетининг катта инженери Т. Перевозчиков студентлар билан мунтазам суратда учрашувлар ўтказишяпти.

Агитпунктда доимо газета ва журналларнинг янги сонларини топиш мумкин. Кўзга кўринарли жойга ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетининг сайловчиларга Мурожаатлари осиб қўйилган, китоб, брошюра, плакатлар мавжуд. Юридик консультация бурчаги ишлаб турибди. Бу ерга ташриф буюрувчиларга Советлар тарихи, унинг ҳозирги фаолияти, сайловчиларнинг ҳуқуқлари ҳақида ҳикоя қилиб бермоқдалар.

Агитпунктда жами 50 агитатор иш олиб боряпти. Улар мунтазам равишда маслаҳатлашиб, янги топшириқлар олишяпти. Сайловчиларга айтиш учун янги ахборотларга эга бўлмоқдалар.

Ҳозирдаёқ бир қанча наказлар тушди. Масалан, политехника институтининг студентлари Студентлар шаҳарчасида китоб магазини, физкультура институти олий ўқув юртлариаро йирик кутубхона, Тошкент Давлат университети студентлари эса спорт павильонида сузиш ҳавзаси бунёд этишни илтимос қилганлар.

**Ф. МУМИНОВА,**
**ТошДУ редакция-нашрнёт бўлимининг редактори, СССР Журналистлар союзининг аъзоси.**

● Оддий иш кунлари

## МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИ

«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг М. Мусаев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси ташкил этилганига икки йилча бўлиб қолди. Шу қисқа вақт ичида коллектив ўзининг нималарга қодир эканини яққол кўрсатди. Ўтган давр ичида бир неча бор ғолиб чиқди. Ўтган йилнинг тўртинчи квартали якунлари бўйича эса у биринчи ўринни эгаллади.

Бу муваффақиятларга қандай эришиляпти? Сидқидилдан ишлаш, меҳнат интизоми, аралаш касбган йигит билан дастгоҳларни эгаллаш туфайли ана шу ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Бригада доимо нормани ортиғи билан адо этади. Совет Армияси сафидан хизматдан қайтлабки суҳбатдаёқ «Ўз олдимиздаги вазифани уддалай оламизми? деб сўрашди.

— Албатта-да, — деб дадил жавоб берди у.

Цех коллективи меҳнат унумдорлигини оширишга, ички резервларни қидириб топишга, йигитларнинг ҳар бири эса ўз ишини такомиллаштиришга интилмоқда.

Бугунги кунда бригада топшириқни 105 — 110 процентдан бажаряпти. Ўтган йилнинг топшириғини 27 декабрда адо этишган эди. Улар Бутуниттифоқ комсомол ташкилотига В. И. Ленин номи берилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақага актив қўшилдилар.

Коллективда пешқадамлар кўп. Слесарь-йиғувчилардан Х. Бозоров, З. Жўраев, А. Турсунов, С. Нурматов сингари коммунистик меҳнат зарбдорлари бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Комсомол-ёшлар бригадасининг аъзолари зарбдорона меҳнат қилишяпти. Айни пайтда улар цех жамоат ишларида, кўнгилли халқ дружинаси ишида актив иштирок этишяпти.

Қисқаси, комсомол-ёшлар бригадасининг ҳар бир аъзоси ўз ишига масъулият ҳисси билан ёндошмоқда. Улар аҳиллик билан иш олиб боришяпти. Ҳаммани ягона туйғу—умумий иш учун юксак масъулият туйғуси, бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан кўпроқ ютуқларга эришиш иштиёқи бирлаштириб турибди.



Раҳмон Маюсупов Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтгач, Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводига ишга келди. У тез орада слесарь-электрчилик касбини эгаллади. Ҳозир у электр-механика цехида энг яхши мутахассис ҳисобланади.

СУРАТДА: слесарь-электрчи Раҳмон Маюсупов.

Т. Каримов фотоси.

● ТАЖРИБА МАКТАБИ

## КОМСОРГ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Комсомол етакчилари, комсомол ташкилотларининг секретарлари ҳамиша ёшларнинг шонли ишлари олдинги сафларида боришган, партия ишига садоқат, ғоявий эътиқод, интизом, соддалик ва камтарлик, иш билан сўзнинг бирлиги — бугунги кунда комсомол ташкилотчисининг қиёфасини белгилайдиган бош хусусиятлар ана шулардан иборат.

Секретарь қандай бўлмоғи керак? Оғирвазмин, иродали ёки юмшоқ феълли бўлиши керакми? Ёки ақлгўй мулоҳазакор ё бўлмаса, қизиққон бўлиши керакми? Балки ижодий киши, тажрибага ўч ё бўлмаса ижрочи бўлгани маъқулми? Менингча, энг аввало инсон бўлгани маъқул!

Агар, секретарь қийин аҳволга тушиб қолган комсомол аъзосига ёрдам беролмаса ёки буни хоҳламаса уни барча ёмон кўриб қолиши табиий. Бундай секретарь лоқайдлиги учун унга ишонмайдиган бўлиб қолишади, комсомоллар комсомол ташкилоти ишига унчалик қизиқмайдиган бўлиб қолидилар. Бироқ, инсонпарвар, комсомолларга меҳрибон, эътиборли секретарь доимо ҳамма нарсани кечираверадиган, жуда мулойим деган маънони ҳам билдирмаслиги керак. Комсоргнинг энг биринчи бурчи комсомол интизомини мустаҳкамлаш. Бу интизомни бузувчиларга қаттиқ туришдир. Ҳақиқий комсомол етакчиси коллектив эҳтиёжини яхши тушунади ва қатъий талабчанлик кўрсатади. Ана шунда унинг обрўси ошаверади. Яна у шахсий намуна кўрсата билмаса, гапида бурди бўлмаса, ҳеч нарсага эришолмайди. Энг аввало, комсомоллардан талаб қилинадиган хусусиятларни ўзинг намоён қилишинг керак-да.

Шаҳар партия ташкилоти кўпгина тажрибали ташаббускор етакчиларни тарбиялади. Улар орасида алоқа-электротехника институти, «Промтройкомплект» бирлашмаси; Тошкент трактор заводи, бадиий буюмлар фабрикаси, «Миконд» заводи, комсомол комитетларининг секретарлари Саид Сангинов, Владимир Пирогов, Владимир Скрильников, Шоҳида Ёқубова, Икром Муртазоев ва бошқа кўплаб етакчилар бор. Яқинда комсомолда ҳисобот-сайлов кампанияси ниҳоясига етди. 400 дан зиёд комсомол ташкилоти секретари ёки 26 проценти биринчи марта сайланди.

Комсоргнинг дастлабки қадамлари қандай бўлмоғи керак? Энг аввало ой, квартал, йилга пухта план тузиш керак. Бундан ташқари ташкилот тўплаган тажрибани ҳисобга олиб иш тутиш лозим.

Секретарь қандай ишга киришмасин, активсиз ҳеч нарса қилолмайди. Шунинг учун ҳам активистлар қанчалик кўп бўлса, бу кучга таяниб комсомол ташкилоти ишини қизиқарли ва рангбаранг қилиш, уни янада мустаҳкамлаш мумкин.

Комсомоллар активлигини оширишда жамоат топшириқлари бериш муҳим роль ўйнайди. Шунчаки топшириқ бериш керакмас. Балки ўйлаб топшириқ бермоқ даркор. Бунда ёшларнинг билимини, ҳаётий тажрибасини ва ишни билиш, савиясини ҳисобга олмоқ керак. Шундай топшириқ бериш керакки, йигит ва қизларнинг ўзлари бу ишга зўр қизиқиш билан қарасинлар.

Комсомол йиғилишлари ҳар бир бошланғич ташкилот учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу гражданликнинг ҳақиқий дорилфунунидир. У комсомолларни коллектив тафаккури билан қуроллантиради, ўз ишига ихлос ва янгича илҳом уйғотади. Ҳақиқий комсомол йиғилиши унда муҳокама қилинаётган масалага ҳамма ўзини даҳлдор деб ҳис қилгандагина тўлақонли ўтади.

Комсомол ишида кўрилаётган тадбирлар қанчалик ранг-баранг, муҳим бўлмасин, комсорг учун энг муҳими инсон, уни тушуна билишдир.

Ҳақиқий, комсомолчасига, шараф билан топшириқни бажариш, бошланғич ташкилотга бошчилик қилишда фақат истакнинг ўзигина кифоя қилмайди. Тажриба ва билим ниҳоятда зарурдир. Бу унчалик осон бўлмаган ишни юракдан ҳис этмоқ керак. Шундагина кишиларга қувонч бахш эта оласан, муваффақият қозонасан ва ҳақиқий комсомол етакчиси бўласан.

**А. ЕЛИСЕЕВ,**
**Тошкент шаҳар комсомол комитетининг комсомол ташкилотлари бўлими мудири.**

● БРИГАДАНИНГ ИШ КУНЛАРИ

## Коллектив таянчи

Чаққон қўлларнинг ишини кузатиш доимо мароқлидир. Айни пайтда иши юришмаётган кишига ёрдам бериш бундан ҳам мароқлироқдир. Мен шундай воқеанинг гувоҳи бўлганман. 6-цехда цех бошлиғи ва мастер билан биргаликда комсомол-ёшлар бригадасининг ишини кузатдик. Л. Федоренко ҳамкасблари билан негадир иш маромини йўлга қўя олишмади. Негаки, конструкциянинг такомиллашгани уларнинг ишини кўпайтирган эди. Улар бизнинг кузатиб турганимизни билишарди. Мураббий-мастер А. Глухов ҳам ҳаяжонланар, уларга астойдил ёрдам бергиси келарди. Катта мастер В. Обиденних мазкур аҳволни кўриб, шундай деди:

— Ҳеч қиси йўқ, ишлар юришиб кетади! Бу йигитлар — коллектив таянчи.

Ёшлар бригадаси тузилганига бир ярим йил бўлди, холос. Ҳозир улар барча ишларни пухта йўлга қўйишган. Бригадир Л. Федоренко 1972 йилда заводга келган эди. Э. Шабеков ва М. Бекмуродовлар ҳам коллективга қўшилишиб, бир-бирлари билан аҳил, дўст бўлиб қолдилар.

Ҳозирги замон ишлаб чиқариши шундайки, у ишчилардан бой билимни талаб этади. Бу йигитлар ана шунга интилмоқдалар. Федоренко ва Бекмуродов машинасозлик бўйича ўз билимларини муттасил ошириб боришса, Шабеков политехника институтида таълим оляпти. Улар ўз олган билимларини амалда қўллашга интилмоқдалар. Шунинг учун ҳам ремонтчиларни кутиб ўтирмасдан, дастгоҳнинг бирон жойи бузилиб қолса, ўзлари мустақил равишда тузатиб олишаверади.

Бу кичик коллектив ҳали катта ишлар қилганича йўқ, албатта. Лекин бугунми, эртами улар ана шундай ишларни қилишга қодирдирлар.

**А. КИСЕЛЕВ,**
**«Ташсельмаш» заводи.**

# ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

## КАТТА МАРКАЗ ОЧИЛДИ

БУДАПЕШТ. Венгрия жанубидаги Сегед шаҳрида техниканинг энг янги ютуқлари билан қуролланган автомобилларга диагноз қўювчи катта марказ очилди. Ўрнатилган аппаратлар комплекси ҳар қандай моделдаги автомобилларда юз берган носозликларни тез ва аниқ белгилашга имкон беради. Бу комплексда кичик ҳисоб машиналаридан кенг кўламда фойдаланилади. Натижада Сегеддаги «Волан» автомобиль корхонасига қарашли мингтадан кўп автобус ва юк машиналарини ремонт қилиш вақти ва нархи анча камаяди. Яқин йиллар ичида Венгриянинг бошқа катта-катта автокорхоналарида ҳам шундай марказлар барпо этиш мўлжалланади.

## МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

ПРАГА. Кошице шаҳридаги Шарқий Словакия металлургия комбинатининг коллективи катта меҳнат ғалабасига эришди. Бу ерда учинчи кокс батареяси ишга тушди. Чехословакия металлургиясининг шу беш йилликдаги энг катта объекти Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилди. Икки мамлакат мутахассислари биргалашиб Кошице комбинатида кучли прокат станларини қурмоқдалар, конвертор усули билан пўлат қуйишни кенгайтирмоқдалар, бошқа муҳим объектларни барпо этмоқдалар. Чехословакия металлургиясининг бу пешқадам корхонаси ЧССРдаги биринчи кенг изли темир йўл орқали Совет Иттифоқидан келтирилаётган руда билан ишламоқда.

## Лесотонинг муваффақиятлари

МАСЕРУ. Лесото саноати тобора юксак суръатларга эришиб бормоқда. Африканинг жанубидаги шу тоғлик мамлакатда 40 тадан кўп ишлов берувчи ва енгил саноат корхоналари бўлиб, уларда 9 мингга яқин ишчи меҳнат қилмоқда. Улар тайёрлаётган маҳсулот — кийим-кечак, пойафзал, мебель, зонтлар, консервалар ички бозорда, шунингдек, халқаро бозорда машҳур.

Мазенoддаги завод консерваланган спарра, нўхот, шафтоли, чучук гаримдори, маккажўхори тайёрлаб чиқармоқда. Бу маҳсулотлар Африка мамлакатларидан ташқари Европа бозорларига ҳам чиқарилмоқда. Консерва заводининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш борасида олиб борилаётган ишлар тугагач, у йилига 2300 тонна маҳсулот бериб турадиган бўлади. Пиво тайёрлайдиган катта завод барпо этилиши натижасида Лесото ички бозорнинг шу ичимликка бўлган эҳтиёжларини қарийб тўла-тўкис таъминлашига имкон берди. Корхона ҳафтасига 300 минг литр пиводан ташқари кўпдан-кўп алкоголсиз ичимликларни ҳам тайёрлаб чиқармоқда.

Мафетенгдаги фармацевтика фабрикаси Лесотонинг ифтихори ҳисобланади. У 80 хил дори-дармон тайёрлаб чиқармоқда. Корхона Ғарб компанияларининг қаттиқ рақобатлашишига қарамай, Ботсвана, Свализенд, Мозамбик, Замбия, Малави ва бошқа бир қанча мамлакатларга сотаётган маҳсулотларини йил сайин кўпайтириб бормоқда. Унинг ходимлари қарийб батамом маҳаллий кадрлардан иборат бўлиб, улар фармацевт касбини ўзлаштирган. Фабрика директори Д. Радитаполе ўз вақтида Совет Иттифоқида таълим олиб келган.

## ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

ГААГА. Утрехт шаҳрида Голландия кўпчилик урушга қарши ташкилотлар намояндаларининг конференцияси бўлди. Бир ярим мингдан кўп делегат шу йилги ҳаракат планини маъқуллади. Ғарбий Европада, Американинг ўртача олисликка учириладиган янги ядровий ракеталари жойлаштирилишига қарши 6 майдан 12 майгача умуммиллий ҳафталик ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Энг катта норозилик намойишини Вунстрехт ҳарбий-ҳаво базаси яқинида ўтказиш белгиланди. Голландия ҳукумати қанотли ракеталарни жойлаштириш учун шу жойни танлаб олган. Бизнинг вазифамиз, деди конференцияда «Йўқолсин қанотли ракеталар» миллий комитетининг раиси Синни Стрикверда, — биринчи зарба урадиган ракета-ядро қуролининг жойлаштирилишига қарши имкони борича, кенгроқ кураш фронтини вужудга келтиришдан иборат.



**ЖАЗОИР: ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН**

Жазоир. Жазоир халқи Миллий озодлик фронти партияси раҳбарлиги остида мустақил тараққиёт йилларида прогрессив жамият қурилишида катта муваффақиятларга эришди. Жазоир билан СССРни ҳамкорлик ва дўстлик иплари боғлаган.

СУРАТДА: Жазоир пойтахтининг бугунги кўриниши.

* * *

СУРАТДА: Эл-Ҳожардаги металлургия заводи домналарининг умумий кўриниши.

И. Зотин ва К. Дударев фотоси. ТАСС.



### Қувват ортмоқда

Бу йил Варшавадаги енгил автомобиллар заводи коллективи 95 минг автомашина, шу жумладан 30 минг «Полонез» маркали машиналар ишлаб чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу ўтган йилдаги кўрсаткичдан 10 мингта ошиқ демакдир. Корхонада Англия, Дания ва Франция мамлакатларига кўплаб машиналар етказиб бериш учун шартнома тузилди.

Завод ишлаб чиқариш программасида асосий эътибор маҳсулот модернизациясига қаратилган. Коллективнинг мақсади— ёнилғи сарфини камайтиришдан иборатдир. Ҳозир бу ерда завод конструкторлари томонидан яратилган дизель двигателини синаш ишлари олиб борилмоқда.

Сўнгги беш йилликда Польшада автомобиллар ишлаб чиқариш уч мартага ортди. Ишлаб чиқариш қувватларидан самаралироқ фойдаланиш ҳисобига автомобиль саноатини бундан кейин ҳам янада ривожлантириш программаси ишлаб чиқилди.

### «Ортиқча кишилар»

Австрия врачларининг иш билан таъминланиш проблемаси кун сайин кескинлашиб бормоқда. Австрия АПА агентлигининг хабар қилишича, шу йил январь ойининг охирида биргина Венанинг ўзида врачларнинг 32 проценти меҳнат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган эди. Уларнинг кўплари, дейилади хабарда, бир неча йилдан буён ўзига иш топа олмаяпти.

Ўқитувчилар ўртасида ҳам ишсизлик ўткир проблема бўлиб қолмоқда. Расмий маълумотларга кўра, биргина Штирия федерал ўлкасида ўрта мактаблар ва гимназияларнинг ўқитувчиларидан бир мингга яқини «ортиқча кишилар», яъни кўп ойлардан бери ишсизлар қаторида турибди.

Иккинчи томондан, кўплаб ўқитувчилар лиқ тўла синфларда ишлашга мажбур бўлмоқдалар. Чунки маъмурлар мактабларда янги иш ўринларини вужудга келтириш учун маблағ сарфлашдан бош тортиб, халқ маорифи соҳасида «қаттиқ тежаш» сиёсатини ўтказмоқдалар.

### Ер ости дарёси

Мисрлик геологлар МАР ғарбида жойлашган Сива воҳасида 28 километр узунликдаги бутун бир ер ости дарёсини топдилар. «Иджипшн газетт»нинг хабар беришича, воҳа бағрида қарийб 740 миллиард куб метр чучук сув жойлашган бўлиб, бу сувнинг учдан бир қисми саҳролардаги 40 минг феддан (1 феддан 0,42 гектарга баравар) ерни икки юз йил мобайнида суғориш учун етарлидир. Мутахассисларнинг фикрича, Сива воҳасини ва унга туташиб кетган саҳро районларини қишлоқ хўжалик жиҳатидан комплекс ривожлантириш аҳолиси зич бўлган Нил водийсидаги фаллоҳлардан 50 мингдан кўпроқ кишини қўшимча равишда ўша жойга жалб этиб, янги муҳим агросаноат районини вужудга келтириш имконини беради.

### Касалликка қарши

Нигерияда безгакка қарши кенг ҳужум бошланди. Республика соғлиқни сақлаш министри Патрик Кошонининг бу ерда хабар қилишича, ана шу оғир касалликка қарши кураш олиб бориш юзасидан 1976 йилда умумий миллий программа амалга оширила бошланганидан бери мамлакатда 1.260 нафар мутахассис тайёрланди. Болаларни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ой сайин профилактик эмлашлар ўтказилганлиги натижасида безгак касалига чалинган болалар 60 процент камайди.

## СУВ ТАХЧИЛ БЎЛГАЧ...

Юқори Вольта революция миллий кенгаши ва ҳукумати қишлоқ районлари аҳолисининг ичимлик сувга бўлган талаб-эҳтиёжини тўла қондириш вазифасини ўртага қўйди. Шу мақсадда мамлакатда гидротехника иншоотларини қуриш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бу лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилиши келгуси йили аҳоли жон бошига сув истеъмол қилишни кунига 10 литрга, кейинчалик эса 25 литргача етказиш имконини беради. Бутун мамлакатда бошланган кампания давомида тоза ичимлик сув манбаларини эҳтиёт этишнинг, зарур санитария нормаларига риоя қилишнинг муҳим эканлиги аҳолига тушунтириб берилмоқда, жойларда сув манбаларининг ҳолатини контроль қиладиган махсус комитетлар тузилмоқда.

Вольтада чиқадиган «Карфур африкэн» газетасининг жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига асосланиб хабар қилишича, сув тахчиллиги ва ифлос сув манбаларидан фойдаланиш сабабли жаҳонда ҳар куни 50 минг киши ўлмоқда.

